

ТАБИЙ (ҚИСИЛГАН, СУЮЛТИРИЛГАН) ГАЗ СОТИШ ШАРТНОМАСИ №7

“ 02” Февраль 2022 йил

Когон шаҳар

ООО “DISKONT”, кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбари **Б. Файзуллаев** бир томондан ва **Когон туман ҳокимлиги**, кейинги ўринларда “ Сотиб олувчи ” деб юритилади, Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи марказ директори **М.Т.Эсанов** иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1.ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

- 1.1.Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар (маҳсулот) ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб
- 1.2.топшириш, Сотиб олувчи эса товар (маҳсулот) ни қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси	ҚҚС		Жами
						Стафкаси	Суммаси	
1	Табиий сиқилган газ (афтомашиналар учун)	м3	6956	2300	15 998 800	15%	2086800	15 998 800
	ЖАМИ							15 998 800

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий сўммаси **15 998 800 (Ўн беш миллион тўққиз юзи тўқсон саккиз минг саккиз юз) сўмни** ташкил этади.
- 2.2. «Истеъмолчи» олаётган нефт маҳсулоти учун жорий ойни олдиндан тулов:
- бензин, дизел ёқилғиси ва газ (Метан ва пропан) учун **100%** фоиз 2022 йил 31 Декабргача ой давомида амалга оширилади.
- 2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.
- 2.4. Қўшилган қиймат солиғи билан ҚҚС 15%

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

- 3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
- 3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ қилиши керак.
- 3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
- 3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.
- 3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

- 3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
- 3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.
- 3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар

киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди:

5.4. Шартномада белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10 % миқдорида жарима тўлайди:

5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома Газначилик бўлинмасида рўйхатга олингандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. 2014 йил 1 январдаги Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодексининг 122 –моддасига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Газначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва факат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

8. НИЗОЛАРНИНГ АДАЛ ҚИЛИНИШ

- 8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
- 8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади
- 8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.

9. БОШКА ШАРТЛАР

- 9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

ООО “DISKONT”

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил Когон туман Туткунда МФЙ

Тел./факс : 90 512-95-76

х/в : 20208000800310366001

Банк номи: Хамкор Банк Бухоро шаҳар филиали

МФО : 00966

ОКОНХ :71150

СТИР 202012943

Директори:

Б.Файзуллаев

М.У.

«Буюртмачи»

Когон туман Ҳокимлиги

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил:Когон шаҳри Бухоро шох кўчаси 16 ўй

Тел./факс: 52-4-75-36

ш/х: 100022860062197011204018002

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи:201172889

ОКОНХ: 97600

Ҳазначилик бўлим номи: Когон туман

Ҳазначилик бўлинмаси

Ҳазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий

банкн Х К К М

МФО: 00014

Ҳазначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Рахбар:

М.Т.Эсанов

М.У.

Ҳуқуқшунос: (ИМЗО ва Ф.И.Ш):

Ё.Алмасов